O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIZOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 26 IYUN ◆ SESHANBA ◆ № 73 (26.775)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 июнь куни Оқсаройда «SOS-Киндердорф интернационал» халқаро хайрия ташкилоти президенти Гельмут Катинни қабул қилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

«SOS-Киндердорф интернационал» етим болаларга оила шароитидагидек таълим-тарбия бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш билан шуғулланувчи халқаро хайрия ташкилотидир. Унинг юздан зиёд мамлакатда ўз филиаллари мавжуд. Улар «SOS-болалар маҳалласи» деб аталади. Бундай маҳаллалар қаровсиз қолган болалар учун гўдаклигидан то вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйгунга қадар энг яхши бошпана бўлиб хизмат қилади.

— Дунёда хайрия ташкилотлари жуда кўп, — деди давлатимиз раҳбари. — Аммо, «SOS-Киндердорф интернационал»нинг ўрни ва нуфузи бошқача, деб ўйлайман. Етим болани асраб, ғамхўрлик қилиш, тарбиялаб, вояга етказиш энг хайрли ишлардан биридир. Сизнинг ташкилотингиз шундай савобли ишни зиммасига олиб, уни шараф билан уддаламоқда.

Мазкур ташкилот билан ҳукуматимиз ўртасидаги келишувга биноан, мамлакатимизда 1998 йили «Ўзбекистон SOS-болалар маҳалласи» уюшмаси тузилди. 1999 йили эса Тошкентда беш гектарлик жой ажратилиб, биринчи «SOS-болалар маҳалласи»нинг қурилиши бошланди.

Қурилиш белгиланган муддатдан анча олдин, 2000 йилнинг октябрида якунланди. «SOS-болалар маҳалласи» ўн тўртта оилавий коттеж, болалар боғчаси, маъмурий бино, меҳмонхона, иккита спорт майдончасидан иборат. Болаларнинг униб-ўсиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу ерга ўтган йилнинг ноябрь ойидан болалар қабул қилина бошлади. Ҳозир маҳаллада 14 нафар тарбиячи-энага ва 60 нафар бола яшайди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан «SOS-Киндердорф интернационал» ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратларда: қабул пайти.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!

Сизларни — гўзал Фарғона вилоятининг миришкор ва заҳматкаш деҳқонларини қўлга киритган катта меҳнат ғалабангиз — давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши натижаларга эришаётган сиз — фарғоналик деҳқонларнинг бу ютуғингиз вилоятда ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани, одамларда ўз ери, ўз мулкига нисбатан эгалик туйғуси шаклланаётгани, меҳнатга муносабат ўзгараётганидан яққол далолатдир.

Бу йилги мураккаб иқлим шароитида ҳар гектар ғаллазордан 33, 5 центнердан ҳосил кўтариб, 268 минг 138 тонналик улкан хирмон бунёд этилгани, 9 минг тоннадан зиёд сара уруғлик тайёрланганги сизларнинг ҳақиқий омилкор деҳқонлар эканингизни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Айниқса, режага қўшимча 15 минг тонна буғдой топширишга аҳд қилиб, умумий ғалла хирмонини 283 минг тоннадан оширишга бел боғлаган, ўз кучига ишонадиган, ҳеч қачон оғирлигини бировга юкламайдиган сиздек лафзи ҳалол, фидойи инсонларга ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Ишончим комилки, олижаноб ва мард инсонлар диёри бўлган Фарғона вилояти меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юксак натижаларга эришиб, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, эл-юрт фаровонлигига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.

Сизларнинг ана шу йўлдаги хайрли ишларингизда омад, хонадонларингизга қут-барака, бахту саодат тилайман. Доимо соғ-саломат бўлинг, азизлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ЮКСАЛСА, ҚУВОНАМАН



Ер юзи халқларининг мавқеини буюклар, истеъдодли шахслар ҳам белгилайди. Ҳар бир миллатнинг истеъдодли ўғлонлари, ардоқли фарзандлари борки, улар башарият маънавиятининг юксалиши учун муносиб ҳисса қўшишади. Дунё адабиётида ўз мавқеига эга шоирлардан бири Мустай Карим бизга қавм-қариндош халқ ўғлони. У ҳозир 82 ёшда. Уфада яшайди. Евгений Евтушенко, Расул Ҳамзатов, Довуд Қуғилтиновларнинг сафдоши. Халкининг орзу-армонлари, интилишларини юрагига жойлаб, бошқирдларнинг шаъни, обрўсини дунёга достон қилган, ўз юрти, она-замини, элига муҳаббати чексиз инсон билан телефон орқали боғланар эканман, дабдурустдан саволга тутишим ноқулай, деган фикрда эдим.

Гап дастлаб одатий тусда суҳбатлашилди: об-ҳаво, нархнаво дегандай... Гап асносида Ўзбекистон, миллатимиз борасида сўз кетди. Мустай Карим Ўзбекистонни жудаям яхши кўришини, бу ерда дўстлари, биродарлари кўплигини айтиб ўтди.

Мустай Карим ўтган ҳафтада шифохонада эканлигини уйидагилардан билгандим. Шу боис уни толиқтириб қўйишга хижолат чекдим. Суҳбатни қисқароқ қилишга чоғландим.

— Соғлиғингиз қандай? Тузалиб қолдингизми?

— Яхши. Ёмонмас. Энди қариличилик-да, сиз менга тортинмай саволларингизни бераверинг.

— Қандай савол бўлиши мумкин? Сиз билан биз бир-биримизни тушунамиз, англаймиз. Халкларимиз орасида эса унчалик тафовут йўқ.

— Ҳанузгача мен ўзимнинг ўзбек ўқувчиларимни, саҳна асарларим томошабинлари — ўзбекистонликларнинг самимиятини унутганим йўқ. Ўзбекистонлик дўстларим менинг юрагимда чуқур ўрнашиб қолган. Раҳматли Зулфия ҳамда Асқад Мухтор менга яқин дўст эдилар. Дарвоқе, Одил Ёқубов ҳам биродарим. Унинг саломатлиги яхшими?

— Одил ака анча тетик. Фаол. Куни кеча газетамизнинг икки сонида «Қашқадарё гурунглари» деган катта очерки босилди. Истиклолдан кейинги дунёвий ўзгаришларимизни яхши ёритган.

— Хурсандман. Унга салом айтинг. Ўзбекистондаги тинч ва осойишталикка кўз тегмасин. Иқтисодий жиҳатдан республикангиз ўсиб-улғайиб бораётганидан хабарим бор. Сизларнинг Президентингиз кучли, донишманд одам. Дунёда катта обрўга эга шахс.

— Тўғри. Барча соҳада ўнгланиш, ўзгаришлар жараёни сезилмоқда. Энг муҳими, халқимиз тинч. Маънавият, сиёсат ва иқтисодни мукаммал анг-лаган Президент халққа тўғри йўлни кўрсата билди.

— Бизнинг давримизда муҳими шу, албатта.

— Ҳозир нималар билан машғулсиз?

— Мемуар ёзаяпман. Яхши одамлар ҳақида. Ёмонлар эса эслашга ҳам арзимайдилар.

— Адабиёт ёмонларни ҳам тарбия қилади.

— Умуман олганда, адабиёт халқ кўнглининг кўзгуси. Халқ кўнглида гап кўп. Халқларимиз бир-бирига ўхшаш, қардош, маданияти яқин. Мен ўзбек халқи деганда ахлоқи жуда гўзал, оққўнгил, меҳнаткаш, ер юзидаги энг меҳнаткаш халқни тушунаман.

— Айниқса, ботини бут халқ ўзи учун энг муҳим мезон озодликка чиққач, гўзал хулқи ва гўзал маданиятини тўла-тўкис сақлайди.

— Топдингиз. Ҳар қандай халқ учун озодлик ҳаёт ва мамот масаласи. Ўзбекларнинг ҳам узоқ орзуси ушалди. Энди ишонч бор. Ёруғ келажак бор. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллик айёми арафасида ўз ери, ўзлигига эга ҳар бир ўзбекистонликнинг хонадонига хотиржамлик тилайман. Ўзбекистон қанчалик юксалса, билингки, менинг халқим ҳам шунчалик хурсанд бўлади, севинади. Истиқлолингиз боқий бўлсин.

■ **Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ЮРТБОШИМИЗНИНГ НОДИР ТУҲФАСИ

Тошкент Ислом университетида катта шодиёна бўлиб ўтди. 2000-2001 ўқув йили якунланиши арафасида талабаларга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг тухфаси — буюк фиқҳшунос олим Бурҳониддин Марғинонийнинг XIII аср ўрталарида кўчирилган «Ҳидоя» асари тақдим этилди. Бу нодир асар юртбошимизга Буюк Британиянинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган йирик компанияси раҳбари жаноб А.Патель томонидан ҳадя қилинган эди.

Жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёни ислом дини қадриятларини илм ва эътиқод мақомида асл манбалар асосида чуқур ўрганишни тақозо этади. Бундай бебаҳо тухфанинг Президентимизга тақдим этилиши ўзбек халқига билдирилган ҳурмат ҳамда Имом ал-Бухорий ва ат-Термизий, Марғиноний ва Мотуридий каби алломалар юрти бўлган ўлкамизни кўплаб йирик давлатлар диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги диёри сифатида тан олганлигидан далолатдир.

Президентимизнинг ташаббуси ва фармонларига кўра ташкил этилган Тошкент Ислом университетида талабалар тилшунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, халқаро иқтисодий муносабатлар каби соҳалар бўйича таҳсил олмоқда. Ислом тарихи, фалсафаси, диний қарашларга оид манбаларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш, халқимиз қўлида сақланаётган осори-атиқаларни тўплаш, илмий ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида университетда «Манбалар хазинаси» ташкил этилган. Бу хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма ва нодир асарлар билан бойиб бормоқда.

Президентимиз номидан топширилган ушбу ҳадя ўзбек халқининг илмий, диний-маърифий меросини янада чуқурроқ ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Тухфани қабул қила туриб, университет талабалари юртбошимизга оталарча доимий ғамхўрликлари учун ўзларининг чексиз миннатдорликларини изҳор этдилар.

■ (ЎзА)

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

«ҚАШҚАДАРЁ ГУРУНГЛАРИ»НИ ЎҚИБ...

«Ўзбекистон овози» газетасида менинг кўп йиллик қадрдон дўстим Одил Ёқубовнинг «Қашқадарё гурунглари» деган очерки эълон қилинди. Уни ўқиб кўнглим жуда равшан тортди, руҳим алланечук енгиллашди. Менинг ҳам хотирамда Қашқадарё билан, унинг ажойиб одамлари билан боғлиқ бир талай хотиралар жамланди. Авваламбор очеркни ўқиб, мен дўстим учун жуда хурсанд бўлдим. Биз Одил Ёқубов билан 55 йилдан бери адабиёт майдонида биргамиз. Ҳаётда дўстмиз, у билан кўп сафарларда бўлганмиз, дилкашлик қилганмиз. Бу йиллар давомида Одил Ёқубов кўпгина ажойиб асарлар яратиб, адабиётимизнинг пешқадам намояндасига айланди, кўпгина каттакичик мансабларда ишлади. Маданиятимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган сиймога айланиб қолди. Мен унинг ютуқларини ўз ютуқларимдай, камчиликларини ўз камчиликларимдай билиб, ижодини кузатиб келдим. Ва, ниҳоят иккимиз ҳам ёнма-ён шу кунларга етиб келдик. Табиийки, бугун кечаги кундагидай ерга урса осмонга сапчийдиган йигитлар эмасмиз, истасанг-истамасанг йиллар юки билинади. Бундай ҳолда баъзи бир оғзини тиёлмаган одамларнинг гаплари малол келади: «Нима дейсан, фалончининг ёши ўтиб мункиллаб қолибди. Фалончи ёзадиганини ёзиб, айтадиганини айтиб бўлибди, заҳираси бўшаб қолган эмиш... Фалончидан ҳеч нарса кутмай қўя қолса бўлади...»

Мени қувонтирадиган нарса шуки, адабиётимизнинг кекса авлод вакиллари — Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов бунақа гапларнинг бемаънилигини исбот қилиб, ёшларга ўрнак бўладиган юксак даражадаги асарлар яратишда давом этишмоқда. Одил Ёқубов ҳам кейинги йилларнинг ўзида «Бир кошона сирлари» деган пьеса ёзди. Японлар билан боғлиқ жуда гўзал ҳикоя эълон қилди.

Мана энди «Қашқадарё гурунглари». Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин, бу очерк ҳали адиб қалбидаги меҳр мавжлари сира камаймаганидан, фикри теранлигидан, уни ҳали ҳам «адибга таниш безовталик» тарк этмаганидан, қалами ҳамон ўткир эканлигидан далолат беради. Халқимиз учун, миллат учун хизмат қилиш Одил Ёқубовга олий мақсад бўлиб келган. Бугун ҳам шу мақсадга содиқ қолибди. Очерк адибнинг ўзи айтганидек «протокол» услубида ёзилган бўлса-да, ўта самимийлиги билан адиб нигоҳининг теранлиги туфайли бугунги жўшқин ҳаётимизнинг жуда кўтаринки ва жозибадорлигини чизиб берган.

Адиб сафари давомида бугунги Қашқадарёнинг улуғвор манзарасини кўради ва сизни ҳам у билан тўла-тўкис ошно қилади. У Қашқадарёдаги бугун қурилиб битган ёки битаётган оламшумул конлар, заводлар, ишчилар шаҳарчалари ва бошқа бунёдкорлик намуналарини кўз олдимизда шундай гавдалантирадики, ўзингиз ҳам шу ишларнинг ичида аралашиб юргандай бўласиз.

Мен ҳам бир неча йиллар олдин ўша жойларга боргандим. Муборакдаги донғи дунёга кетган газни қайта ишлаш заводида бўлгандим. Ҳатто заводда газдан олтингугурт айириб олишларини айтишганда: бир йўла гугуртини бошқа, олтинини бошқа олақолмайсизларми, деб ҳазиллашгандим. Ҳозир шуни тасдиқлайманки, Одил Ёқубовнинг бу улкан қурилишлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзганларида бирон оғиз муболаға йўқ. Булар кўпчилиги мустақиллигимиз йилларида бунёд этилган қурилишлар.

Лекин, мени ҳаяжонга солган нарса бугина эмас. Очерк бошдан охиригача жуда теран, миллий ифтихор руҳи билан суғорилган. Унда адиб ўзбек ёшлари бугунги кунда том маънода бунёдкор ёшларга айланганлигини, ҳар қандай мўъжизаларни барпо этишда иқтидори етадиган мутахассислар бўлиб етишганини зўр мамнуният билан айтади. Бундан ўн йиллар аввалги аҳволни эсланг: ўшанда анча-мунча одам ҳе йўқ, бе йўқ юртимизни тарк этганди. Улар жўнаб кетар экан, очиқдан-очиқ беписандлик билан: «Ҳали кўрасизлар, бу улкан завод, комбинатларни эплашнинг ўзи бўлмайди. Ҳали бизнинг қадримиз ўтади», деган эдилар. Буни қарангки, бор-йўғи ўн йил ичида бугунги жаҳон ишлаб чиқаришнинг энг илғор технологияларига тиши ўтадиган, энг мураккаб ишлаб чиқариш муаммоларини ҳам ёнғоқ чаққандай чақиб ташлайдиган салоҳиятли кадрлар етишиб чиқди. Одил Ёқубов Шўртанда, Муборакда ва бошқа

(Давоми 2-бетда)

САРХИЛ МЕВА-САБЗАВОТЛАР ҚАРДОШЛАРГА

Шаҳрихоннинг Найман қишлоғи меҳнаткашлари мева-сабзавот етиштиришда миришкор. Ҳар бир ишда ибрат бўлиш уларга одат. Қорақалпоғистондаги экологик ҳолатдан хабар топган найманликлар сархил мева-сабзавотларни қардош халққа тортиқ этишни ният қилдилар. «Уста Мўмин» фермер хўжалиги раҳбари Маъмиржон Ҳасанов бундай ташаббусни бошлаб берди. Тасарруфидаги боғдан қардошларга 5 тонна олма тортиқ қилди.

Қишлоқдошлар савобли ишда фермернинг қаторида бўлишди. Найман маҳалла фуқаролар йиғини раиси Каримжон Азимовга мурожаат қилиб шоширишди. Кўпчиликнинг ҳаракати билан 12 тонна мева-сабзавот йиғилди. Найманликларнинг ҳиматига Юзлар, Қипчоққўрғон маҳалла фуқаролар йиғинлари кишилари ҳам қўшилишди. Ғ. Жўраев номли ширкат хўжалиги бошқарув ҳайъати автопоезд ажратди.

Қардош қорақалпоғистонликларга аталган мева-сабзавот юкланган автомашинани кўпни кўрган, қишлоқнинг обрўли кишилари оқ йўл тилаб кузатдилар.

Найманликларнинг ҳаракати халқимизнинг қардош учун қайғуриши, саховатлилигининг намунасидир.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎзХДП ХАБАРИ

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ МАШВАРАТИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб, Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари негизида республика семинар-кенгашлари ўтказилади. 21-23 июнь кунлари шундай семинарларнинг дастлабкилари Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида бўлиб ўтди. Уларда ушбу вилоятлар партия кенгашлари ижроия бюроларининг аъзолари, шаҳар, туман партия кенгашлари ва йирик бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ХДПдан сайланган Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлари, партия кенгашлари аппарати масъул ходимлари, шунингдек, партиявий нашрлар журналистлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашларда Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн йиллиги ва партия ташкилотларининг долзарб вазифалари мавзуида маъруза қилди. Наманган, Фарғона ва Андижон вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари М. Абдуллаева, А. Иғамбердиев ва С.Раҳимовлар миллий мустақилликнинг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш ва Марказий Кенгаш III пленуми қарорларини бажариш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Семинарларнинг, Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими С. Усмонов олиб борган, иккинчи қисмида, асосан, ички партиявий масалалар кўриб чиқилди.

Фарғонада бўлиб ўтган семинар-кенгашда вилоят ҳокимининг муовини М. Гофуров, Андижонда — вилоят ҳокими муовини Р. Тиллабоев иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади.
Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона.
«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.
Тел.: 136-55-05.

ЭРТАГА — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ

■ Владимир МОЛГАЧЕВ ва Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«ҚАШҚАДАРЁ ГУРУНГЛАРИ»НИ ЎҚИБ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

жойларда кўргани — ёш ўзбек муҳандисларини, техник ходимларини, ишлаб чиқариш мутасаддиларини тилга олар экан, шу одамларнинг бунёдкорлик шижоати, фидокорлиги, жонажон Ўзбекистонимизнинг эртаси чиндан ҳам буюк бўлишига сизни ишонтиради. Мен очеркнинг шу саҳифаларини ўқир эканман беихтиёр Нуриддин Зайниевни эсладим. Мен ҳам 1996 йилда бу ажойиб инсоннинг меҳмони бўлган эдим. У билан нафақат газ саноати тўғрисида, адабиёт ҳақида ҳам мириқиб суҳбатлашган эдим. Шунда мен унинг техника соҳасидаги билими мукаммаллигига қойил қолган эдим ва адабиётдан ҳам бир адабиётшуносчалик билимга эга эканлигига амин бўлдим. Ўшанда биз ярим кечагача Лев Тольстойнинг инсон ҳаёти маъносини йиллар давомида нечоғли изтиробга тушиб излагани тўғрисида роса баҳслашган эдик. Одил Ёқубов бу одам ҳақида жуда тўлқинланиб, жуда ҳаяжон билан ёзади. Бу одамлар, Қашқадарёдаги қурилишлар ҳақидаги гаплар, ўқувчига чиндан ҳам бир вақтлар жизғанак даштлари билан донг чиқарган ўлканинг бугунги мустақил Ўзбекистоннинг олдинги марраларида кетаётган бир ўлкага айланганидан далолат беради. Баъзан одамлардан эшитиб қоласан: «Эй биродар, ҳозир шундай қурилишларга зарурат бормиди? Ундан кўра топганимизни кундалик эҳтиёжимизга сарфлаб, еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда, маишат ичида роҳату фароғатда умр кечирсак бўлмасмиди? Ахир бугунги кунда зориққанлар ҳам бор, қўли қисқалар ҳам бор. Келажак авлодларимиз бўлса ўзлари бир амаллаб кунини кўриб кетарди-да». Бундай гапларга нима деб жавоб бериш мумкин? Тўғри, биз ҳам баъзи бир қўшниларимиз каби нафсимизга эрк бериб, бошимиз хузур-ҳаловатдан чиқмай умр кўрсак бўларди. Лекин бундай қилиш, баднафс одамларнингина, қорнидан бошқа нарсани ўйламайдиган, эртанги авлод олдидаги бурчини писанд қилмайдиган лоқайд одамларнингина иши бўларди. Йўқ, ўз уйини, ўз рўзғорини, ўз Ватанини обод қиламан деган одам жиндайгина нафсини тортиши керак бўлади. Ахир қийинчиликларни бўйнимизга олиб қилган бугунги ишларимиз шу бугуннинг ўзидаёқ ажойиб самаралар бераяпти-ку! Мен фақат конлару заводларни айтаётганим йўқ. Шу заводлар туфайли ризқу рўзини топиб юрган минглаб одамларни ҳам назарда тутяпман. «Қашқадарё гурунглари»нинг яна бир томонини тилга олмай бўлмайди. Адиб тасвирлаган бунёдкорлик пул сарфлаган билан пайдо бўлавермайди. Уларнинг юзага келиши учун бир раҳнамо керак. Унинг ғояси керак. У ўз ғоясига одамларни ишонтира билиши керак. Бу раҳнамо уларни уюштириб, орқасидан эргаштирсагина бундай улуғ аъмоллар, мақсадлар рўёбга чиқиши мумкин. Одил Ёқубов буни жуда яхши билади ва очеркида Қашқадарё ҳаётини янги изга буриб юборган, янгича типдаги раҳбар Ислом Каримов образини яратишга ҳам алоҳида ўрин беради. Мана, ўн йилдан ошди, Ислом Каримов Республикамизнинг Президенти. Бир вақтлар у фақат Қашқадарё вилояти ҳаётини янги изга солган бўлса, бугунги кунда бутун республика ҳаётини янгилаш учун ҳаракат қилмоқда. Унинг раҳбарлигида бугун Ўзбекистон жаҳондаги илғор мамлакатлар сафидан ўрин олишга интилмоқда. Аммо, масаланинг бир томони бор. Адиб учун катта раҳбар образини яратиш нафақат масъулиятли иш, балки жуда мураккаб, йирик вазифа ҳамдир. Ахир ўзингиз ўйланг, раҳбар фалон-фалон ишларга бошчилик қилди, шу ишларнинг ташаббускори, ташкилотчиси, деб оддийгина қайд қилиб қолганингизда ҳам айрим одамлар: «Ана, фалончи ҳам хушомад йўлига ўтибди», деган таъналардан ўзини тиёлмайди. Одил Ёқубовнинг очеркида қуруқ мақтовлар, асоссиз мадҳиялар мутлақо йўқ. Аксинча, у Президентимизнинг инсоний сифатларини, бағри кенглигини, одамларга меҳрибонлигини очиб беришга ҳаракат қилган. Ва, бунга ҳам муваффақ бўлган. Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг ўн йиллиги давомида биз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонга чексиз муҳаббатига, халқимизни дил-дилидан яхши кўришига, шу Ватан йўлида, шу халқ учун ҳар куни савоб ишлар қилаётганига амин бўлдик. Хуллас, Одил Ёқубовнинг «Қашқадарё гурунглари» очерки «протокол» услубида ёзилган бўлса ҳамки, бугунги кунимизнинг нурли томонларини жуда ҳаяжонли ифодалаган.

Мен «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятини катта ижодий муваффақият билан табриклайман.

Одил Ёқубовнинг ҳам, бошқа кекса адибларимизнинг ҳам бугунги ижодий фаолияти шундан далолат берадики, адабиёт учун ҳам халқ билан бирга бўлишдан, унинг қувончларига шерик, дардларига ҳамдард бўлишдан ўзга самарали йўл йўқ.

■ **Озод ШАРАФУДДИНОВ**

ҚАРИЯЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Навоий вилояти ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси 5 нафар иккинчи жаҳон уруши фахрийсига — хатирчилик Шониёз Ҳақназаровга, Қудрат Қаҳҳоровга, Навбаҳор туманидан Қодир Каримовга, Умар Шодиевга, нуроталик Комил Умидовга Германияда ишлаб чиқарилган, ҳар бири 100 минг сўмлик ногиронлар аравачасини тақдим этди.

Кекса авлод номидан гапирган Қудрат бобо Қаҳҳоров ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, ёш авлод тарбиясида камарбаста эканликларини алоҳида таъкидлади.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 26 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	194,42
1 Австрия шиллинги	23,45
1 Англия фунт стерлинги	531,45
10 Бельгия франки	80,00
1 Голландия гульдени	146,44
10 Греция драхмаси	9,48
1 Дания кронаси	43,35
1 БАА дирхами	102,32
1 АҚШ доллари	375,77
1 Миср фунти	96,72
10 Испания песети	19,40
100 Италия лираси	16,67
1 Канада доллари	247,01
1 Хитой юани	45,40
10 Люксембург франки	80,00
1 Малайзия ринггити	98,89
1 Германия маркаси	165,00
1 Польша злотийси	94,89
1 СДР	469,25
1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	54,28
1 Франция франки	49,20
1 Швейцария франки	212,58
1 ЕВРО	322,71
10 Жанубий Корея вони	2,89
10 Япония иенаси	30,26
1 Россия рубли	12,91
1 Украина гривнаси	69,76

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ВАТАН КЕНГЛИКЛАРИ

■ Абдулғани ЖУМА олган сурат

Ҳайдовчиларнинг аксарияти ДАН ходимларининг хатти-ҳаракатларидан нолишади. Бу тушунарли —қонун-қоида ҳаммага ҳам ёкавермайди. Лекин ҳайдовчиларнинг норозилигига ҳамиша ДАН ходимларининг қоидага бўйсун, деган қонуний талаби сабаб бўлади, десак андак хато килган бўламиз— баъзи ДАН ходимларининг ҳам қонун-қоидага сиғмайдиган талаблари борлиги кўпчиликка маълум. Барибир бу ҳолатни ҳам қонун-қоидани билмасликка йўйиш мумкин. Масалан, ҳамма ҳайдовчи ҳам ўз ҳак-ҳукукини, чунончи, ДАН ходими йўлнинг қаерида туриши кераклигини ёки «Тезлик ўлчагич»нинг («Радар») ҳужжатини албатта сўраши лозимлигини билмайди, ахир.

Ўзбекистон ИИВ ДАН тарғибот бўлими бошлиғи Анвар Сулаймонхўжаев билан мулокотимиз шулар ҳақида бўлди.

«ТЕЗЛИК ЎЛЧАГИЧ»НИНГ ГУВОҲНОМАСИ КЎРСАТИЛИШИ ШАРТ

— Таҳририятга келган шикоятларнинг кўпларида ДАН ходимлари арзимаган сабаблар билан, масалан, ойналарини қорайтирганлиги учун машиналарни жарима майдончасига қамаб қўяётганларидан нолишади. Куни кеча намойиш этилган «Авторейд» кўрсатувида машинасини жарима майдончасига ҳайдаш буюрилган автомобиль эгаси «бу менинг хусусий мулким, уни олиб қўйишга ҳаққингиз йўқ», деб жавоб берди. Айтинг-чи, қай ҳолатларда ҳайдовчидан автомобиль жарима майдончасига олиб қўйилиши мумкин?

— Ўзбекистон Республикаси МЖК 291-моддасининг «а» бандига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар қуйидаги ҳоллар транспорт воситасини ушлаб туришга сабаб бўлиши мумкин:

Фойдаланиши маън этилган транспорт воситаларини, худди шунингдек, давлат рақами белгисини ўзбошимчалик билан ечиб олиши, ясама ва ўзга усулларда ўзгартирилган давлат рақами белгили транспорт воситаларини бошқариш (125-модда, 4-қисм);

Кўзгусимон ва қорайтирилган ойнали транспорт воситасидан фойдаланиш ва худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этиш (126-модда);

Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш, ҳайдовчилик гувоҳномасисиз транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш ва маст ҳолатдаги шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш (131-модда);

Транспорт воситасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариш (135-модда);

Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўла туриб ёки ҳайдовчи гувоҳномасисиз транспорт воситасини бошқариб тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаши ва худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий чора қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этиши (136- модда);

Йўл транспорт ҳодисаси содир этилган жойдан кетиб қолиш (137- модда);

Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик (194-модда).

— Қашқадарё вилоятидан келган шикоят хатида бир фуқаро ДАН ходимлари сўралганда «Тезлик ўлчагич» — «Радар»нинг ҳужжатини кўрсатолмаганлигини, чунки бу ерда унинг ишлатилишига ҳожат йўқлигини ёзади. «Тезлик ўлчагич» қай ҳолатларда ишлатилади? Уни ишлатиш учун махсус рухсатнома зарурми? Унинг ишлатилиш ўрни, вақти белгиланса керак? Бу саволни бераётганимизга сабаб баъзида «тезлик ўлчагич» ҳаракат хавфсизлиги эмас, масалан, таъмагирлик воситасига айланиб қолаётгандай...

— Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан қуролярог ва махсус техника воситалари, шу жумладан, транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини аниқлайдиган ўлчов воситаси «Тезлик ўлчагич»(Радар)ни қўллаш тартиби мавжуд қонун ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли буйруқларида кўзда тутилган.

«Тезлик ўлчагич»ни қўллаш ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ва маълум қўлланмаларга асосан амалга оширилади. Фойдаланиш бўйича йўриқномани ўрганган ва уни қўллаш қоидаси бўйича синовдан ўтган ходимларга «Тезлик ўлчагич»ни ишлатишга рухсат этилади.

Метерология текширувидан ўтмаган ёки гувоҳномасининг муддати ўтиб кетган ўлчов воситаларини қўллаш маън этилади. Ҳайдовчининг талабига биноан ўлчов воситасининг гувоҳномаси кўрсатилиши шарт.

«Тезлик ўлчагич»ни қачон, қаерда ва қайси услубда (яширин бўлиши ҳам мумкин) қўлланилиши бўлинма раҳбари томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, йўл ҳаракатининг жадаллиги, ҳайдовчиларнинг интизоми ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

— Йўл ҳаракати қоидалари кўпинча ҳайдовчилар ва пиёдалар томонидан бузилади. Лекин ДАН ходимларининг ўзлари йўлда нотўғри туриб олишлари ёки машинани нотўғри тўхтатишлари оқибатида ҳам қоида бузилиш ҳоллари учраб туради. ДАН ходимлари қаерларда туришлари керак, машиналарни тўхтатаётганларда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида қандайдир йўл-йўриқлар, қоидалар бўлса керак?

— Йўл-патруль хизматини ташкил этиш ва уни ўташнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан тасдиқланган «Давлат автомобиль назорати йўл-патруль хизматига доир Қўлланма»да ўз аксини топган. Масалан, патруллик йўллардаги ажратувчи чизиқ, йўл чети бўйлаб ҳаракатланиш тарзида очиқ шаклда амалга оширилади. Хизматни ўташ учун иложи борича ҳаракат иштирокчилари аниқ кўринадиган ва ўз вақтида қоидабузарликнинг олдини олиш имконини берадиган жой танлаб олинади.

■ **Суҳбатдош: Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

СИЁСИЙ МУШОҲАДА

Якка партия мафкураси ҳукмронлигига қурилган социализмдан, аниқроғи, маъмурий-буйруқбозликка таянган тоталитар ва авторитар тузумдан бозор иқтисодиёти асосида ривожланган фуқаролик жамиятига, яъни чинакам демократик тузумга ўтишнинг тап-тайёр қолипи йўқ ва бўлмаган ҳам.

Ҳозиргача социалистик Қурия бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти тизимига эга Жанубий Қуриядан ҳар жиҳатга кўра бир неча баробар орқада қолганини яширишнинг ҳеч иложи йўқ. Ҳолбуки, Жанубий Қурияда ҳам, Шимолий Қуриядаги каби ўша корейс халқи истиқомат қилади. Бунинг устига, ер майдони жиҳатидан Шимол ярим оролнинг каттароқ қисмини — 55 фоизини, Жануб эса 45 фоизини эгаллайди. Бунинг устига, аҳоли сони Жанубда Шимолдагига нисбатан икки баробар кўп. Шунча табиий имкониятлари бўла туриб, Шимолий Қурияда халқ очарчиликни бошдан кечиряпти. Жанубий Қурияда эса турмуш даражаси ривожланган давлатларга жуда яқин келган. Аён бўлиб турибдики, айб — тузумда.

Режали тараққиётни даъво қиладиган, амалда инсон омилини ерга уриб, уни қарийб мутлақ мулксиз, демак, ташаббуссиз қилиб ташлайдиган жамият олға босиши мумкин эмас. Ахир, мулкинг йўқми, ҳуқуқинг ҳам ҳаминқадар. Ҳуқуқинг чекланганми, аниқки, нофаолсан. Фаол ҳам, нофаол ҳам бир хил даромад кўраяптими, демак, фаол ҳам нофаолга тенглашиш, очиқроғи, камроқ ишлаш пайидан бўлаверади. Социализм шароитида: «Мен бир ўзим ўн кишининг ишини қиламан, менга ўн баробар маош тўланг», деб кўринг-чи. Марҳамат, бозор иқтисодиёти шароитида ўн эмас, юз кишининг ишини бажаринг, ҳатто, бир ихтиро қилиб, минг кишининг ишини бир киши бажарадиган технология яратингда, фойдасини олаверинг.

Айнан меҳнатга муносабатнинг нотўғри асосга қурилгани, моддий манфаатдорликка йўл очилмагани, фикрий эркинликка имкон берилмагани туфайли ҳам шўро тузумининг таназзулга юз тутиши муқаррар эди.

Шарқий Европадаги собиқ социалистик давлатлар, собиқ иттифоқнинг ўз мустақиллигига эришган республикалари, жумладан, мамлакатимиз олдида ҳам тузумни ўзгартириш масаласи кўндаланг турар эди. Президент Ислом Каримов ҳеч иккиланмасдан ўтиш байроқдори бўлди ва бу тарихий жараённинг Ўзбекистон учун асқотадиган хос назариясини ишлаб чиқди.

Ислом Каримов 1992 йили ёзган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асаридаёқ шундай деган эди: **«Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир. Илғор мамлакатларнинг тажрибасига кўра, фақат бозор муносабатларигина халқ фаровонлиги, унинг турмуш даражаси ва равнақини ўстириш йўлида республика ишлаб чиқарувчи кучларидаги жуда катта имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишни таъминлаши мумкин».**

1993 йили ёзилган «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида эса у комил ишонч билан: **«Танлаб олинган тараққиёт йўли Конституцияга асосланган бўлиб, у ўзгармас йўлдир, чунки танланган йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда»,** — деб таъкидлайди.

Шу китобда Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзагини ташкил этадиган беш асосий қоида илгари сурилди.

Шулардан биринчиси мана бундай: **«Иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур».**

Бугун миллий мафкурамизни — «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи мазмунмоҳиятини кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилаётибмиз. Шундай маънавий-маърифий тадбирларнинг бирида: «Шу қоида билан миллий мафкура тарғиби ўртасида қандай боғлиқлик бор? Бир ёқдан бозор иқтисодиётига ўтиляпти, иқтисодни мафкурадан ҳоли қилиш учун курашиляпти, иккинчи ёқдан яна мафкура деб турсак... Шуни тушунолмаяпман», — мазмунида савол берилди.

Бу — биринчи масала.

Иккинчи масала бундан ҳам жиддий. Ҳатто, анча нозик ҳам. Бир таниқли адибимиз Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар тарзида 1998 йили эълон қилинган «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» сарлавҳали суҳбатида миллий мафкура ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларига тўхталиб, Конституциямизнинг мафкура тўғрисидаги моддасини таҳрир қилиш таклифи билан чиқди.

Хўш, бу ўринлими-йўқми?

Беш тамойилни, жумладан, унинг биринчисини ёддаб олиб, айнан такрорлаётганлар кўп. Лекин бу жуда асосли қоида моҳиятини яхшилаб англаб олмаслик, миллий мафкурамизнинг бунчалар кенг тарғиб қилинаётганини тўғри тушунмаслик ҳолларига дуч келаверишимиз мумкин.

1

ЎЗБЕК МОДЕЛИ: МАФКУРА ВА ДЕМОКРАТИЯ

Иқтисодни мафкурадан ҳоли қилиш амалда шўро тузумидаги энг катта хатони тузатиш деган гап. Яъни, у тузум айни сиёсат, яъни мафкура мақсадлари учун, масалан, пахтани Ўзбекистонда етиштириб, ундан газлама тўқишни узоқ Ивановода ташкил этар эди. Шунча той пахта толаси поездларга юкланиб, йўлга қанча ортиқча харажат сарфланиб, хомашё Россиянинг ичкарисига ташилар эди. Иқтисодий жиҳатдан бир метр чит қанчага тушсатушсин, лекин сиёсат ютқазмасин, қабилида иш тутилган. Ҳозир ҳам, дейлик, нефтни қайта ишлаш заводини конларга (Қашқадарёга яқин) ва қайта ишлаш, ташишга қулай ерда (Бухорода) эмас, қандайдир сиёсий-мафкуравий мақсадлар учун уни атай минг-минг километр узоқда кўрсак, шунча жойга ортиқча қувур ётқизсак, иқтисодий фойда кўриш ўрнига тинимсиз зарарга тушмаймизми?

Собиқ иттифоқ айнан ана шундай ўта сиёсийлашган иқтисодиёт йўлидан юргани учун ҳам мутлақ таназзулга учради.

Чинакам бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқда иқтисоднинг қатъий «темир» қонунлари амал қилишига асосланади. Ёки, айтайлик, корхона нимани, қандай ишлаб чиқаришни, маҳсулотини кимга ва қанчага сотишини ҳал қилаётганда бирон-бир мафкурага (масалан, қай бир партия ғоясига) мос ё мос эмаслиги билан ҳисоблашиб ўтирмай ишласагина эркин ривожланади.

Президент Ислом Каримов илгари сурган беш тамойилнинг биринчисини шундай тушуниш ва тушунтириш шарт.

Энди келишиб олайлик: бунинг миллий мафкурага нима даҳли бор? Ахир, иқтисодни мафкурадан ҳоли қилиш тамойили билан миллий истиқлол ғояси бир-бирига халақит қилмайдиган икки алоҳида-алоҳида нарса экани шундоқ ҳам билиниб турибди-ку.

Миллий мафкура — жамият мафкураси, миллат, халқ мафкураси. У ҳар бир фуқарога алоқадор, унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Керак бўлса, ана шу беш тамойил ҳам миллий мафкуранинг таркибий қисмига киради, унинг узвий бир нуқтасини ёки муҳим бир халқасини ташкил этади. Исбот учун айтиб ўтиш жоизки, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг «Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар» деган 3-боби 2-фасли айнан «Тараққиётнинг ўзбек модели» деб номланади ва унда худди шу беш тамойил шарҳланади.

Иккинчи масалага ойдинлик киритиш учун аввал Конституциянинг мафкурага бевосита алоқадор 12-моддасини тўлиқ келтирайлик: **«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.**

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Ҳалиги адибимиз ушбу модданинг иккинчи бандини: *«Ана шундай хилма-хилликка асосланган ва уларни ўзига қамраб олган жамият мафкураси давлат мафкураси сифатида етакчилик қилади»*, — тарзида тузатиш фикрини илгари суради.

Албатта, ҳар бир фуқаро Конституциямиз бандлари ҳақида мулоҳаза-мушоҳада юритиш ҳуқуқига эга. Лекин энди ўртага ташланган ҳар қандай таклиф мантиқан тўғри ва ҳаётий зарурат сифатида ниҳоятда ўринли бўлиши шарт-да.

2

Чунки демократик жамият деганининг ўзи, энг аввало, якка мафкура ҳукмронлигига сира йўл қўймаслик дегани. Партия мафкураси бўладими, бундан қатъи назар, бирон-бир мафкура давлат мафкураси сифатида амал қила бошласа, яна ўша эски якка мафкура ҳукмронлиги замонига қайтган бўламиз. Ҳолбуки, демократик тузумда миллий мафкура жамият мафкураси тарзида амал қилади, давлат мафкураси сифатида эмас.

Президент Ислом Каримов олға сурган: «Кучли давлатдан кучли жамият сари», — деган шиорнинг моҳиятида ҳам шу нарса ётади. Чунки энди жамият давлат мафкурасига эмас, аксинча, давлат жамият мафкурасига қулоқ солади.

Шўро замонда биз ҳаммамиз давлат жамиятдан бирмунча катта тушунча деб юрганмиз. Ҳолбуки, тамоман тескариси — давлат жамиятда бир қисм вазифа ўтайди, холос. Демократия қанча ривожланса, давлат шунча ўз вазифаларини жамият тасарруфига ўтказа боради.

Миллий мафкура — жамиятники. **«Шунинг учун ҳам, — деган эди муҳтарам Президентимиз, — биз асосий мақсадимиз — бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат. Америкада бунга жуда яқин келиб қолинган. У ерда ижтимоий гуруҳларнинг манфаати билан ҳамма ҳисоблашишга мажбур».**

Демак, Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журналида миллий мафкурамизни «жамият мафкураси», «миллий истиқлол мафкураси», «миллий мафкура» тарзида ишлатиши бевосита Конституциямиздаги 12-модда талабидан келиб чиққан ва бу мафкуравий жамият табиатига жуда мос келади.

Хўш, Ўзбекистонда бугун нечта мафкура фаолият кўрсатаяпти?

Бир нечта. Лекин уларни аввал иккига бўлиб олиш керак:

биринчиси, давлат ишларига аралашмайдиган мафкуралар;

иккинчиси, давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишга қаратилган мафкуралар.

Биринчи гуруҳ мафкураларга дин киради. Чунки дин — одамзод учун Худо тарафидан яратилган яшаш таълимоти. Ҳар қандай диний мафкура мамлакатда ўша динга эътиқод қиладиганлар иродасини ифодалайди. Шу маънода Ўзбекистон фуқаролари ўртасида кенг ёйилган ислом ва ундан кейинги ўринда турадиган христианлик динини икки алоҳида-алоҳида мафкура деб ҳисоблаш керак. Лекин бу иккиси давлат ишларига аралашмайди. Чунки, Конституциямизнинг 61-моддасида: **«Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди»,** деб ёзиб қўйилган.

Айнан шунинг учун ҳам Конституциямиз 57-моддасида, жумладан, шундай деб ёзиб қўйилган: **«Миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади».**

Иккинчи гуруҳ мафкураларга партиялар киради. Чунки партия дегани асли — мафкура дегани. Ҳар қандай партия аҳолининг муайян қатлами — муайян табақа ва гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилади ва сиёсий иродасини ифодалайди. Ўзбекистонимизда тўрт партия, демакки, тўрт партиявий мафкура мавжуд.

Конституциямизнинг 60-моддасига биноан, сиёсий партиялар ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Партиянинг мақсади — ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этиш. Бунинг учун у демократик йўл билан ҳокиматни эгаллашга интилади — сайловларда ўз номзодини кўрсатади.

Бироқ «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида ёзиб қўйилганидек: «Ҳар бир партиянинг ўз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларига амал қилиши сиёсий ҳаётнинг бош мезонидир. Чунки халқ манфаатлари, истиқлол ғоялари, қайси сиёсий ва мафкуравий кучга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун муқаддасдир».

Хулоса шуки, ҳеч бир мафкура миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига зид келиши мумкин эмас. Лекин миллий мафкуранинг умумхалқ ўртасида амал қилиш имконияти ва заруратидан келиб чиқиб, зинҳор-базинҳор уни давлат мафкураси тарзида тушуниш ё талқин этиш ҳам мумкин эмас.

Бу мулоҳазалар муҳтарам Ислом Каримов асослаган ва у кишининг раҳбарлигида ҳаётга қатъий татбиқ этилаётган ўзбек моделининг мафкура ва демократия жиҳати бағоят кучли мантиқий асос ва пухта тизимга эга эканини яна бир бор намоён этади.

■ **Султонмурод ОЛИМ, шарҳловчи**

3

ВАТАН

Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлайман

1

Биринчи сентябрь
Бир минг тўққиз юз
тўқсон биринчи йил! О, қутлуғ сана!
Зулм парчаланди!
Бузилди қафас!
Самовий Озодлик қилди тантана!
Титради Ёвуз Куч!
Қақшар беомон!
Нақадар гўзалдир ушбу дам, завол!
Жаҳон майдонида
ҳур Ўзбекистон!
О, Темурий миллат! — Сизники ҳалол!

Жон-жондан туйдим мен Тангрим меҳрини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

2

Шодликка тўл, Ватан,
Шодликка буркан,
Ҳаёт, Эркинликнинг қувончларин тот!
Сен ҳам тирикликнинг
аслини ўрган,
Асрлар аламин жандаларин от!
О, илоҳий Кун! Кун!
О, илоҳий Сас!
Истиқлол! — Истиқбол! — қилинди эълон!
Осмон гумбурлади,
Чақмоқ чақди, бас,
Бир зум қалқиб тушди халқ ва оломон!

Мен бу кун эслайман Сўзлар сеҳрини,
Халқим олди мангу Ҳурлик муҳрини!

3

Қаттол Империя,
Мустабид тузум,
Қонларга қоришган манфур сиёсат,
Сақлаб қолмоқ учун
заминда ўзин
Бўҳтонлар ёғдирди қаватма-қават.
Боши янчилмаган
мафкура — илон —
Дунёни бузгудек жон талвасаси,
Даҳшатли қиёфа
касб этди, инон,
Ҳар дам тайёр эди кунда, болтаси.

Огоҳ бўл, ёдда тут маккор макрини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

4

Қанча тубанлашган
эрса залолат,
Шунча яқин келгай қиёмат қойим.
Сени шарафлайман
буюк жасорат,
Сен менинг шавкатим, сен менинг орим!
Одамзот қалбини
тарк этсанг агар
Оламни босарди дўзахий андуҳ.
Бемаъно яшарди
заминда башар,
Мангу шараф сенга, эй халоскор Руҳ!

Пайғамбар ҳам қилган унинг зикрини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

5

О, Турон ерлари,
О, Турон эллар,
Не салаф урҳосин эшитмагансиз.
Бугун учиб келди
сиз кутган еллар,
Ҳеч қачон бу қадар энтикмагансиз.
Онамиз Тўмарис,
Отамиз Широқ
Нон тутиб турибдир енгликларида.
Озодлик ягона,
Озодлик — байроқ
Улкан Осиёнинг кенгликларида!

Бугун тавофлаймиз эрка руҳини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

6

Юрт қадрин сўрагил
мусофирлардан,
Эркинлик қадрини қуллардан сўра.
Султон суяги хор,
ҳа, кофирлардан,
Жалолиддин, — шердил эрлардан сўра!
Аждодлар йўлидир —
Истиқлол йўли,
Улар калимаси бизга мададкор.
Соҳибқирон турар,
гуллар ўнг-сўли,
Сурати-сийрати улуғвор, пойдор!

Ўзбекюрт куйлайди шону мадҳини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

7

Ватан! Тарихингда
Туркистон бўлиб
Не буюк Давлатлар қуриб яшадинг.
Сарҳадсиз сарҳадлар,
денгиздай тўлиб
Не-не салтанатлар эвриб яшнадинг!
Менинг пирим эрур
Қул Ҳожа Аҳмад,
Она тилим асли — «Ҳикмат» тилидир.
Навоий Оллоҳдан
берилган Давлат —
Миллатим комили, миллат пиридир!

О, бугун тинглайман пирлар шукрини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

8

Тугади йўлсизлик,
Қайтди шон-шавкат,
Ипак йўлларида муаззам карвон,
О, қайтди «Авесто» —
илоҳий қудрат,
Қайтди ал-Фарғоний — фозили жаҳон.
Гулчамбар, олқишга
доҳил, муяссар,
О, ўзбек деҳқони, о тилло бобо,
Ўтиб кетибди-ку
бир ярим аср
Ўзи ўз ерига қайтгунича то!

Унутиб бўлгайми ёвлар қаҳрини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

9

Мен фикр уқаман
олис юзлардан,
Дил-дилим тангримнинг макони эрур.
Шаҳидлар майдони,
кездим излардан,
Қодирий, Чўлпонлар кўзларида нур.

Уларнинг қалами
қолмади ерда,
Йўқ, улар созлари қолмади ғариб.
Куйлади қасоскор
ҳур оҳангларда
Замондош устозим Абдулла Ориф!

Ўпаман юртимнинг тупроқ, туғини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

10

Бугун қурилмоқда
буюк Иморат,
Буюк Бунёдкорга мангу ташаккур!
Улуғ майдон узра
минбарда азот
Миллатим сардори сўзлайди мағрур!
Ундан миннатдордир
Дўст, қардош, аждод,
Ҳақ Халқни бош қилди ҳокимиятга.
Уни шарафлайди
Келажак авлод,
У мангу даҳлдор Абадиятга!

О, Оллоҳ! Қайтардинг юрт Темурини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

11

Кеча гувоҳ эдим
зулм-зулматга,
Кўрганман юрт зорин, хорин: гувоҳман.
Бугун гувоҳдирман
Тожу тахт — бахтга,
Огоҳлар ичида мен ҳам огоҳман!
Азим Суюн, тотдим,
Ҳурлик тотини,
Ҳа, бахтли шоирман, бахти ёр инсон. —
Кўрдим Империя
ҳалокатини,
Келар замонларга қилурман аён!

Битдим авлодларга қалбим қўрини,
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!

Азим СУЮН

ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲАЁТ

МУЛКИЙ ИСЛОҲОТ

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни, рақобатлашиш муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Шу боисдан Президент: «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади», — деб таъкидлаган эди.

Давлатга қарашли бўлмаган секторни вужудга келтириш кўпроқ давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама характерга эга:

аҳолининг бекор турган маблағларини жалб қилиш, — янги ишлаб топилган маблағларни ишлаб чиқаришга йўналтириб, товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шарт-шароит яратмоқда ва аҳоли даромадларини хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали фаолияти ҳисобига кўпайтирмоқда.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг нақадар муҳимлиги қуйидагилар билан белгиланади:

иқтисодий соҳада — аграр секторда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг учдан бир қисмига яқини яратилади, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятнинг ярмидан кўпи бевосита алоқадор, экспортда асосий ўрин эгаллайди;

ижтимоий соҳада — аграр секторнинг самарадорлиги аҳоли турмуш даражаси фаровонлиги билан боғлиқдир;

сиёсий соҳада — қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг бориши ва самарадорлиги жамият янгиланиши, иқтисодий ислоҳотлар натижалари, ўзгаришлар ва жамиятда демократик асосларнинг ривожланишига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш чоратадбирларининг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. «Ер кодекси», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Оилавий (жамоа) пудрати тўғрисида»ги қонунлар, фармонлар ва қарорлар янги ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиришга имкон берди. Натижада фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожланишига шароит яратилди.

2. Қишлоқда янгича хўжалик юритиш механизми, молиялаштириш, кредитлаш ва суғурта қилишда янгича тизим, таъминот учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобнинг асослари ишлаб чиқилди.

3. Ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, бошқарув тизими ва тамойиллари янгиланди.

4. Ишлаб чиқариш тизими ўзгариб, пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди.

5. Ер фондини яхшилаб, тупроқ унумдорлигини оширишга, ирригация ва мелиорация тизимини ривожлантиришга эътибор берилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жами етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг 99 фоизи нодавлат секторга тўғри келди. Иқтисодиётнинг аграр секторида ҳам мустаҳкам ва барқарор ривожланиш таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида яратилган қонуний-ҳуқуқий негиздан келиб чиқиб, кўп укладли иқтисодиёт асослари шакланди. 2001 йил 1 январь маълумотига кўра, аграр секторда 1374 та жамоа, 99 та ижара хўжалиги, 382 та ширкат, 62 та фермер хўжаликлари уюшмалари, 72 та хўжаликлараро корхоналар, 3 та агрофирма, 19,8 минг мустақил фермер хўжаликлари, 1,5 минг хусусий чорвачилик фермалари ва 3 млн.га яқин шахсий томорқа эгалари фаолият кўрсатмоқда. 51 та хўжалик мулкий пайларни жорий этиш асосида қайта ташкил этилди. 3 та агрофирма тажриба шароитида ўз таркибига ишлаб чиқарувчилар, қайта ишлаш корхоналари, маркетинг ва сервис хизматини бирлаштириб фаолият кўрсатмоқда. Элликқалъа туманида фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятининг асосий тамойиллари тажрибадан ўтказилмоқда.

Қишлоқда аграр ўзгаришларни ҳал қилувчи бўғин сифатида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш муносабатларини ислоҳ қилиш қуйидаги асосий қоидалардан келиб чиқади:

— қишлоқ хўжалигига таллуқли, энг аввало, суғориладиган ерлар давлат мулки объекти ҳисобланади;

— йирик товар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, энг аввало, пахтачилик ва ғаллачилик ер майдонлари доимий бириктирилган қишлоқ хўжалик ширкатлари томонидан амалга оширилади ва уларнинг мақсадли йўналишига мувофиқ равишда фойдаланилади;

— ўрта товар ишлаб чиқариш, айниқса, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш асосан, фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилади, уларга ер участкалари узоқ муддатли ижарага берилади;

— майда товар ишлаб чиқаришни, мева-сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ихтисослашган, ажратилган ер майдонларини меросга қолдириш ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжаликлари амалга оширади.

Шундан келиб чиқиб, қишлоқда мулкий муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш, учта ягона бошланғич асосни жорий этиш билан амалга оширишни назарда тутади. Булар қуйидагилардан иборат:

пай муносабатлари, оилавий пудрат, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат).

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги тизимини қўллаш — ташкилий тизим ва усулларини ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолият кўрсатиш механизмини қайта кўриб чиқишни ва қишлоқда ҳақиқий ширкатчиликни қайта тиклашни кўзда тутади.

■ **Тўлқин ҚОБИЛОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

АЙЁМ АРАФАСИДА

Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб жойларда кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент Вилоят Ички ишлар бош бошқармасининг саъй-ҳаракати билан ташкил қилинди.

Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали театри санъаткорлари Рустам Мадиев, Файзулла Аҳмедов ва бошқалар даврага файз киритишди.

Ватан сарҳадларини кечани кеча, кундузни кундуз демай, мардонавор ҳимоя қилаётган, халқимиз, юртимиз тинчлигини сақлаётган том маънодаги фидойи зобитлар ютуқларини, уларнинг шарафли касб-маҳоратларини матбуот, телевидение ва радио тўлқинларида акс эттириб келаётган журналист ходимлар меҳнати ўзига хос улуғланди. Айём муносабати билан оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ вакилларига эсдалик совғалари топширилди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЖАҲОН МАТБУОТИДА

Тезкорлик ва аниқлик журналистиканинг муҳим омилларидан бири. Эҳтимол, ушбу кўриб турганингиз АҚШ сиёсий тарихидаги машҳур фотосуратдир, бундан қатъи назар ушбу лавҳанинг сабабчиси бўлган воқеа жаҳон матбуотидаги унутилмас ҳодисалиги аниқ.

Суратда, президент Гарри Трумен 1948 йилги президент сайловларида, рақиби Республикачилар партиясидан номзод Томас Дьюига мағлуб бўлганлиги ҳақидаги нотўғри хабарни нашр этган газетани баланд кўтариб турибди.

Ўшандан бери сайловларда мағлуб бўлган номзодларга «балки газета янглиш босгандир» дея таскин берадилар.

***

Французлар матбуот тарқатиш шаҳобчаларининг мана шундай замонавий кўринишларини яратишган. Турли хил газета-журналлар тахланган махсус айланувчи мосламалар мижозларнинг керакли нашрни танлаб олишида жуда қулай.

***

Жанубий Кореяда газеталар даромад манбаининг 10 фоизини обуна ҳисобидан келадиган маблағлар, 90 фоизини эса рекламалар ҳамда кундалик сотувдан тушадиган даромадлар ташкил этади. Нашрларнинг тиражи эса ҳар сонда кескин ўзгариб туради. Кечагина 200 минг нусхада чоп этилган газета, биргина шов-шувли хабар орқали миллион нусхада ҳам сотилиши мумкин. Хаптон ва Тонян агентликлари бирлашишидан вужудга келган Енхап агентлиги энг катта ахборот агентлиги сифатида жаҳонда ҳам ўз ўрнини сақлаб келмоқда.

***

Германияда бир ҳафтада 25,5 миллион нусхадан ортиқ газета сотувга чиқарилади. Шулар ичида «Бильд» ҳафталик газетасининг ўзи 4,7 миллион нусхада чиқади. Умуман, Германияда 400 га яқин кундалик нашрлар мавжуд.

***

Америкаликлар ахборотни Internet орқали олишни хуш кўрадилар. Шунинг учун газеталар доимий мижозлари ичида Internet сайти ўқувчилари кўпчиликни ташкил этади.

■ **Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади**

МАСЪУЛИЯТ

ИЗЛАНИШДА — ЮКСАЛИШ

«Бекободцемент» очиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатли хомашё тайёрлаш бўйича ўз мавқеига эга корхоналардан ҳисобланади. Унинг ишга тушганига 75 йил бўлди. Корхонада цемент, асбест қувурлар, шартли плита, шифер, оҳак, карбид, шлакоблок ишлаб чиқарилади. Цемент ўзининг тезқотувчанлиги ва силлиқ қоришувчанлиги билан ажралиб туради.

Корхонада клинкер қуйдириш замонавий айланма печлар ва уларда ишнинг боришини назорат қилиб туриш имконини берадиган радиоизотоп қурилмалар ўрнатилган бўлиб, янги технологиялар бўйича иш юритилмоқда. Бу янгиликлар боис корхонада юқори навли тез қотувчи цемент ишлаб чиқариш имкони яратилди. Корхона аҳли тегишли илмий-тадқиқот институтлари ходимлари билан бамаслаҳат иш юритмоқда.

Корхона имкониятлари тобора кенгайиб, мавқеи ортиб бораётганини қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, шу йилнинг 5 ойи давомида маҳсулот ишлаб чиқариш 103,6 фоизга бажарилган. Бу ўтган йилдагидан бир неча баробар ортиқ. Цемент ишлаб чиқаришда эса ўсиш 120,1 фоизга етди. Шу йилнинг 5 ойида экспорт 504,9 минг долларга тенг бўлиб, режа 144,2 фоизга бажарилди. Бу эса экспорт ҳажмининг ўтган йилгига қараганда 2 маротаба ортганлигини кўрсатади.

— Бугунги давр ҳар қандай меҳнат жамоасидан илғор иш усуллари, замонавий фан ва техника ютуқларини пухта ўзлаштиришни талаб этади. Эришилаётган ютуқлар, муваффақиятлар ортида тажрибали, ташаббускор ва изланувчан ишчи-хизматчиларнинг бетиним изланишлари, катта заҳматлари турибди, — дейди корхона раҳбари Умар Дадабоев.

Корхона маъмурияти жамоадаги ишчи-хизматчиларга доимий ғамхўрликни муваффақиятнинг бош мезони деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам корхона қошида спорт-соғломлаштириш мажмуи, турли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Тиббий муолажага эҳтиёж сезганлар замонавий тиббиёт шаҳобчаси ва профилакторий ҳамда Ширинсой бўйидаги барча қулайликларга эга бўлган дам олиш ва тиббий соғломлаштириш муассасаси хизматидан фойдаланмоқдалар. Бу саломатлик масканида тажрибали ва хушмуомала шифокорлар меҳнат қилишади. Корхона ишчиларининг фарзандлари эса «Цементчи» оромгоҳида дам оладилар. Шунингдек, «Қуёшча» номли истироҳат боғи ҳам болалар хизматида. Бундан ташқари 5 та боғча жажжи кичинтойларнинг қадрдон гўшаларига айланиб қолган.

Корхонада хайрли ишларга алоҳида эътибор билан қарашади. Жумладан, жамоа серфарзанд, кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олишади. Кўплаб ишчи-хизматчилар жамият ҳисобидан газета ва журналларга обуна қилинган. Эзгулик ва саховатпешалик руҳи билан йўғрилган бундай хайрли ишларда Наталья Дергач раислигидаги касаба уюшмаси ва Ғиёс Миркомилов етакчилигидаги корхонадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти фаоллик кўрсатаяпти.



«Бекободцемент» акциядорлик жамиятининг бирдан-бир мақсади ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, белгиланган режаларни ортиғи билан бажаришдир. Шу билан кифояланиб қолмай жамоа аҳли тайёр маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳам ҳаракат қилмоқдалар.

■ **Ўғилой АБДУКАРИМОВА,**
«Қаламкаш» тингловчиси

Суратларда: *корхона ҳаётидан лавҳалар*

КАСБ ЭЪЗОЗИ

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз — азиз инсон, ажиб қаламкаш дўст ва биродар Мусо Каромов ўзига хос тафаккур соҳиби эди. Ҳамиша камтар ва камсуқумликни тарк этмаган Мусо меҳнат фаолиятини «Туркистон» газетасида оддий чопарликдан бошлаган. Сўнг мусаҳҳиҳ, мухбир бўлган.

1970 йил унинг ҳаётида унутилмас дамлар бошланди. Унга ишонч билдириб, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари бўйича мухбир этиб тайинлан-

ди. Ўтган 8 йил мобайнида унинг қалами чархланди, мухлислари ортди, эътибор топди. Муҳими ўзининг топқирлиги, тезкорлиги, топшириқни қалбдан ҳис этиши билан тилга тушди. 1978 йили эса «Ўзбекистон овози» (собиқ «Совет Ўзбекистони») газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбирига айланди. Бу жамоада у ўзининг чин маънодаги мухбир эканини амалда кўрсата олди. 16 йиллик иш фаолияти мобайнида эсда қолари чиқишлар қилди. Муштарийлар унинг «Келажак бугундан бошланади», «Ҳурмати баланд миллионер», «Тақчиллик сабаблари нимада?», «Савдодаги ғавғолар», «Диндор ниқобидаги қотил», «Хомталаш», «Торгларг керакми?», «Ўринбосарлар кимнинг эркаси?», «Фермер бўлиш осонми?», «Қачон давлат тилига ўтамиз?», «Қонун ундай дейди, ҳоким бундай...» каби мақолалари, танқидий чиқишларини ҳануз эслаб юрадилар.

— Дадамга кимдир ҳавас билан қараса, кимдир ҳасад қиларди,— деб эслайди Мусонинг ўғли Илҳом. — 1980 йил боши эди. Бир воқеа бугунгидек эсимда. Юртдошларимиз «пахта иши» жабрини тортаётган давр. Уйимизга бир киши хат ташлаб кетди. Хатни дадам очиб ўқигач, пинагини ҳам бузмади. Зеро, ўша хатдаги ёзувга кўзим тушиб қолди: «... тушунган одамсиз... талабимизга кўнмасангиз, сиз ҳам... уйингизни ёқиб кетамиз!» деган пўписа баён этилган экан. Дадам узоқни кўрган экан. Баламисларнинг қўлидан ҳеч нарса келмади.

Мусо Каромов ана шундай қўрқмас ва ҳозиржавоб эди.

Бир устозимиз бўлардилар. «Қўлингдан келганини, ақлинг етганини, муҳими, ҳаддинг сиғиб, ёзишинг мумкин бўлган нарсани ёз», дея маслаҳат берардилар. Қўлимга тушган бир папка материални ҳар сафар варақлаб танишаман-у, ўзимга савол бераман: оғир кунлар машаққатини кўплар қатори мардонавор енгган, халқ шодлигию ташвишлари билан ҳамдам яшаган ҳақиқат курашчиси, атоқли фельетончи, публицист Комил Алиев ҳақида жўяли бир гап айта олармиканман?

— Биласизми, ёш ўтган сайин киши болалигини, болалик хотираларини кўп қўмсайдиган, эслайдиган бўлиб қоларкан, — дея ҳикоя қилади Комил Алиевнинг опаси — Хосиятхоннинг ўғли Қўрқмас Иноғомов.

— Ўттизинчи йилларда байрамлар, намойишу тантаналар маҳалламиздан Навоий кўчаси бўйлаб Ўрдага қараб ўтар эди, — дея ҳикоя қилади Қўрқмас ака. — Бундай айёмлар тоғи извошда уч-тўрт нафар оғайнилари билан тоғам — Комил Алиев бизникига келиб қолардилар. Улар орасида кўпроқ таниганим Ғафур Ғулом эди. Яна ёзувчи, журналистлар ҳам бўларди. Онам ҳаммаларини танир, номма-ном атардилар. Уларнинг гурунглари жуда қизиқ бўларди. Ёш бўлсам ҳам бир чеккага ўтириб, суҳбатларига қулоқ тутардим. Югур-югурга доимо мен балогардон эдим. Бир сафар онам билан бувимларникига бордик. Қарасам тоғам йўқ. Уларнинг уйи гузарда бўлиб, катта анҳор оқиб ўтар, пастрокда эса чойхона. Ўша ёққа югурдим. Чойхона одамлар билан гавжум, гилам устида икки киши берилиб шахмат ўйнайди. Уларнинг бири — тоғам. Олдиларига бориб салом берсам, улар бошларини кўтармадилар ҳам. Шовқин-сурон, ичакузди кулги ҳам кор қилмасди. Яна қайта салом бердим. Жавоб йўқ. Болалигимга бориб, шахмат доналаридан биттасини сувга улоқтирдим. Тоғам бошларини кўтардилар-у мени кўргач, қувониб кетдилар. Ўрниларидан тура солиб, кучоқларканлар: «Ғафур, сенга айтган жияним шу бўлади, исмиям ажойиб — Қўрқмас. Ҳеч нарсадан қўрқмайди-да», дедилар. Каттароқ бўлганимда англадимки, ўшанда тоғамнинг оғайнилари устоз Ғафур Ғулом экан.

— Комил Алиевга «У ўз касбини жуда севар ва ардоқлар эди», дея таъриф берилади. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Тоғамга бу таъриф бекорга берилмаган. Боиси шундаки, яшириб нима қиламан, касбларини севганлари, унинг фидойиси эканликларидан севимли умр йўлдошлари — Замира кеннойидан маҳрум бўлганлар.

— Йўғ-е, қандай қилиб?

— Ҳа, ишониш қийин. Воқеа бундай бўлган. Комил Алиев «Қизил Ўзбекистон»да ишлаб юрган кезлари Москвага ўқишга кетади. Буни эшитган қайнотаси: «Энди эринг ўзи билан ўзи бўлиб, бу касби орқасидан сениям, оиласиниям унутади, сизларга вақт тополмайди, шунинг учун сени олиб кетаман», дея қизи Замирани уйига олиб келади. Кўп ўтмай, 1928 йил декабрда Ҳамидулла туғилади.

— Домла, шахсан сиз олим сифатида Комил Алиев ижодини қандай баҳолайсиз?

— 1927-1931 йиллари газетада ишлаган кезлари ижоди сермаҳсул бўлган. Айниқса, фельетонларини халқ севиб ўқирди. Боиси, ҳаётда мавжуд, ўқувчига таниш бўлган воқеа-ҳодисаларга асосланиб ёзиларди. Манзили, қаҳрамонлари аниқ бу фельетонларнинг таъсир кучи, нафини газетхон сезиб, ҳис этиб турарди. Одатда сафардан қайтгач, кунлаб ёзарди. Газетанинг деярли ҳар сонида мақола ва фельетонлари босиларди. Олим Тоҳир Пидаев таъкидлаганидек, Алиев публицистик фельетон турининг шаклланиши ва ривожига салмоқли ҳисса қўшган.

— У кишининг ижодини ўрганган олимларнинг кузатувларига қараганда, сарлавҳа танлашдаги маҳоратига кўпчилик тан берар экан...

— Ҳақ гап. Ҳар бир мақоласи учун қўйилган сарлавҳа алоҳида аҳамият касб этарди. Таниқли шоир Собир Абдулла бу ҳақда шундай деганлар: «Мақолага сарлавҳа қўйиш ҳам бир санъат. Сарлавҳа шиор эмас, ёзилган асарнинг тожидир. Бу ҳақда Аъзам Аюбов ва Комил Алиевлар кунлаб бош қотирганлари бизга маълум. Айниқса, фельетон ва ҳикояларнинг сарлавҳаларига ўша вақтларда катта эътибор бериларди».

— Бугунги мустақиллик кунларимизда Комил Алиев маънавий меросини ўрганиш бизга нима беради, деб ўйлайсиз?

— Унинг қаламига мансуб барча асарлар 20-30 йиллар тарихини ўрганишда катта наф бериши, шубҳасиз. Олим Аҳмад Алиев «Сариқ итнинг вазифаси» сарлавҳали фельетон ҳақида шундай ёзади; «Унда Қўқон шаҳар суди ходимларидан бири билан Тошкент шаҳридан борган шу соҳа ходими орасидаги уюшган порахўрларнинг кирдикорлари очиб ташланди... Хўш мазкур соҳада бундай жиноятлар бугунги кунларимизда учрамайдими? Уларни фош этишда Комил Алиев сингари серғайрат, жасоратли журналистлар ҳозир борми? Улар ўз фаолиятларида маънавий меросдан ижодий фойдаланиб иш кўрсалар жамиятимизда покланишга қанча ёрдам берган бўлардилар». Ҳа, у киши мураккаб тарихий вазиятларда яшади, ижод қилди. Асарларида ўша йилларга хос зиддиятлар ўз аксини топди.

Тоғам бир қанча йирик асарларни, жумладан, XVII аср француз классиги Жан-Бетист Мольернинг «Хасис» комедиясини ўзбек тилига таржима қилгани маълум. Тоғам оғир касалликка дучор бўлганлар. 1939 йилнинг 10 сентябрида — эндигина ўттиз беш баҳорни қаршилаган пайтларида оламдан кўз юмдилар...

Қадр-қимматимиз қадрланаётган, қадриятларимиз тикланаётган бугунги кунларда матбуотимиз дарғалари бўлмиш бу каби фидойи инсонларни ҳар қанча эсласак, ёзсак камдек. Зеро, халқимиз журналистикамиз йирик намояндаси, моҳир публицист ва фельетончи Комил Алиев номини, унинг эл-юрт олдидаги хизматларини ҳамиша ёдга олади ва қадрлайди.

■ **Умида ФАЙЗИЕВА**

ТЕЗКОР ЭДИ

МИННАТДОРЧИЛИК

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИГА

Энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолнинг 10 йиллиги арафасида барча соҳаларда бўлгани каби республика оммавий ахборот воситалари фаолияти янада юксалиб бораётганини халқимизнинг бир фарзанди, журналист сифатида эътироф этаётганимдан беҳад бахтиёрман.

Таваллудимнинг 80 йиллиги муносабати билан камтарона меҳнатимни қадрлаб матбуот саҳифаларида дил сўзларини билдирган дўстларимга, газеталар таҳририятлари ва телерадио жамоаларига, қутлов хатларини юборган кўпдан-кўп шогирдларимга ўз миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Эртага нишонланадиган Миллий матбуотимиз байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

■ **Зиёд ЕСЕНБОЕВ,**
«Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири

МУЛОҲАЗА

МУСИҚАНИ КИМ ТАҲЛИЛ ЭТАДИ?

ЁКИ ЖУРНАЛИСТЛАР ИХТИСОСЛАШУВИ ХУСУСИДА

Ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабат билдириш, янгиликни англаш, камчиликларга муросасизлик каби фазилатлар соҳиби бўлган ҳар бир журналист ўзининг зукко ва ҳозиржавоблиги билан ўқувчи ёки томошабинга содда ва равон тилда ўз муддаосини етказа олиши билан ажралишини яхши биламиз.

Шу ўринда мусиқа ва қўшиқчилик соҳасида қалам тебратаётган қаламкашларга бўлган айрим талаблар ҳақида мулоҳаза юритиш лозим, деб ўйлайман. Сабаби бой маънавиятимиз, Буюк ипак йўлини ифтихор билиб, дунёвий тараққиёт сари собит турган юртимиздаги буюк ўзгаришларга боваста бўлгулик куй ва қўшиқлардан «Чўли ироқ», «Муножот»нинг юзага келиши тарихини том маънода ёзадиган давр. Балки найнинг дилларни изтиробга солиб хаёлга чўмдирувчи хазин саси илк бор карвон йўлларида таралгандир. «Муножот» ҳақидаку қанча гапирсак шунча оз. Бу куй қўшиқларнинг сири ва сеҳри нимадайкин? Нега, нафақат Шарқ мамлакатлари, ҳатто Европа марказларида ҳам замонавий ритмик жозибалардан кечиб, мумтоз ва хазин куй — қўшиқлар ардоқланмоқда? Шу жиҳатдан қараганда назаримда, журналистларнинг маълум жабҳалар бўйича соҳалашиб, ўзига хос ихтисосни касб этиши мақсадга мувофиқ бўлармиди? Мусиқа ёки қўшиқ соҳасига ошуфта қаламкашларни ўқитиш ва ўргатиш йўли билан уларнинг малакасини оширсак, одамлар бастакор билан композиторни, замонавий эстрада куйқўшиқлари билан мумтоз ашулаю симфоник оҳангларни фарқлайдиган, тўғрироғи, яхши тушунадиган, кўпроқ маънавий озуқа оладиган бўлардилар.

Мулоҳазаларни айтишимга сабаб, ўзим қарийб 35 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Тошкент консерваториясида кейинги пайтларда мусиқали асарларни таҳлил ва тақриз қилишга эҳтиёж сезилаётгани кўзга ташланди. Шу боисдан мусиқа танқидчилиги кафедраси — мусиқа тарихи ва мусиқа танқидчилиги кафедраси мақомини олди. Олдимизда ўзига хос муаммо юзага келди. Қилаётган ишларимизни юзага чиқариш, яъни мақолалар ёзиш, радио ва телевидениеда чиқишлар борасида қаламкашларга эҳтиёж ортди. Чунки тақриз, муаммо ва танқидий мақолалар, таҳлилий шарҳлар ўз ифодасини топган чиқишларга зарурат туғилганди. Бундай талабни консерватория нашр этиладиган «Мусиқа» газетаси тўла қондиролмаслиги табиий. Шундай қилиб ўқув юрти теграсида яна бир касб усталарини тарбиялаш масаласи ҳал этиладиган бўлди.

Мамлакатимизда мусиқашунос, санъатшунослар камми, деган савол туғилиши мумкин. Бундан ташқари журналистларнинг кўмак беришларига ҳам умид боғласа бўларди. Аммо яна ўша, бу соҳанинг ўзига хослиги, яъни ёзганда нафислик ва нафосат бобида ҳаммабоп чиқишлар ўзгача ёндашувни тақозо этади. Шундай қилиб, талабаларимиз орасидан журналистикага қизиқувчиларни саралашга ва улар олий ўқув юртини тугатганларидан кейин мусиқа, санъат ва қўшиқчилик соҳаси бўйича қалам тебратувчи мухбирлар бўлиб қолишларига умид боғладик. Бошланиши чакки бўлмади. Жумладан, альтист Нигора Ҳасанова ҳозир матбуот ва радио журналистикасида муваффақиятли қалам тебратмоқда. Ёки Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, композитор Ойдин Абдуллаева ўз соҳасининг устаси эканлигини қалам тебратиш билан исботламоқда. Хор дирижёри Барно Мусабоева ўзининг матбуотдаги қизиқарли чиқишлари билан Конрад Аденауэр номидаги жамғарма эътиборини қозонди.

Улар ўзларининг илмий-назарий, амалий, муҳими оммабоп ва ўқишли мақолалари билан эътирофга лойиқ бўлиб турибди.

Ўйлайманки, кейинги ўн йилда ҳар жиҳатдан ривожланиб, жаҳоний эътироф олаётган Ватанимизда маънавият соҳасида катта эътибор қилинаётган бир пайтда мусиқа ва қўшиқ бобида қалам тебратувчи ихтисослашган журналист кадрлар тарбиялаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

■ **Вера ПЛУНГЯН,**
Тошкент давлат консерваториясининг доценти

МАТБААЧИЛИКДА ФИДОЙИЛАР ИШЛАЙДИ

ЗАМОН — ИШБИЛГАННИКИ

Тошкент китоб-журнал фабрикаси тармоқдаги матбаа корхоналари қаторида ўзбек матбаачилиги ривожи учун баҳоли қудрат хизмат қилиб келмоқда. Мазкур фабрика ўзининг ишлаб чиқариш имкониятлари, чоп этаётган юқори сифатли маҳсулотлари билан халқимиз орасида эътибор қозонган. Айни пайтда фабрикага тажрибали матбаачи Азимжон Рихсиев раҳбарлик қилмоқда. У ақлини танибдики, шу соҳада меҳнат қилади.

Ўтган вақт мобайнида фабрика цехлари замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Чоп этиш цехида офсет усулида ишловчи «Циркон», «Планета», «Доминант» ва «ПВК-84» машиналари ўрнатилди. Муқовалаш цехидаги маиший ва хизмат хоналари, ички электр тармоғи тўлиқ таъмирланиб, санитариятехника жиҳозлари янгиланди. Республика Давлат матбуот қўмитаси кўмаги натижасида Германиянинг «Колбус» фирмаси билан фабрикани мазкур фирмада ишлаб чиқарилган китоб тайёрлашнинг қатор жараёнларини ўз ичига олган ускуналар билан таъминлаш тўғрисида шартнома тузилиб, ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, қаттиқ ва юмшоқ муқовали китоблар тайёрловчи линия ишга тушди.

Ишнинг тўғри ташкил қилиниши натижасида фабрикада иқтисодий кўрсаткичлар юқори бўлишига эришилмоқда. 1999 йилда 252 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилда 522 миллион сўмлик буюртмалар бажарилиб, 31 миллион 838 минг сўм соф фойда олинди.

Фабрикада айни вақтда 215 киши меҳнат қилади. Жамоанинг аксариятини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этади. Ишчи ва хизматчилар йил давомида мунтазам тиббий кўрикдан ўтказилиб турилади. Илғор ишчиларга ҳордиқ чиқариб, саломатликларини яхшилаш мақсадида «Қизилсой», «Сумча» каби дам олиш уйларига, санаторийларга йўлланмалар берилади. Ўтган йили ана шу мақсад йўлида 527 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Аҳил жамоанинг муваффақиятларида малакали мутахассисларнинг, кўп йиллардан бери матбаачилик касбини ардоқлаб келаётган тажрибали ходимларнинг ҳиссаси бор. Ҳарф терувчи Т. Боймуродов, муқовалаш цехи устаси М. Мирзақобулов, ёрдамчи хўжалик бошлиғи Л. Маҳкамов, чоп этувчилар М.Умарова, К. Ионкина, Р.Миржалилова каби ўз касбининг фидойилари ёшларга ўрнак бўлишмоқда.

— Хомашё муаммоси фаолиятимиз самарадорлигига халал бераяпти, — дейди Азимжон Рихсиев. — Негаки ҳамон четдан келтириляпти. Бу маҳсулот таннархини ошириш билан бир қаторда ортиқча меҳнат сарфлашни талаб этади. Шунга қарамай жамоамиз бу йил ҳам салмоқли мақсадлар йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Мақсадимиз 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 40 миллион сўм соф фойда олиш.

Ҳамма соҳанинг ўз машаққати бўлгани сингари матбаачиликнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Ана шу қийинчиликларни енгиб самарали фаолият юритаётган Тошкент китоб-журнал фабрикаси муваффақиятлар йўлидан оғишмай, соҳа ривожи йўлида фаолият юритаверади, деган умиддамиз.

■ **Турсунали ЎРМОНОВ,**
Шуҳрат ОРИФ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

***

Суратларда: фабрика фаолиятидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:

ЎZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va elonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ВОҚЕЙИ ҲАНГОМАЛАР

ШИМ БАҲОНА...

Мустабид замонда «летучка»лар қизғин мунозарали ва беаёв кечарди. Бир куни масъул котиб Абдукарим ака Набиҳўжаев йиғин якунида ўрнидан туриб:

— Бу, нима бўлаяпти, ўртоқлар! Ишга муносабат, масъулият қаёқда қолаяпти? — деб қолдилар.

— Кимсан, ишонган «тоғимиз» Михли Сафаровнинг, навбатчиликка келмай қолишини қандай тушуниш керак? Нима гап, деб қўнғироқ қилсак: «Билиб-билмай, шимимни ювиб қўйишибди», дейди-я. Ахир, наҳотки десак, борйўғи битта эди-да, дейди...

Кейин хусусий мулкка ружу қўймагани инобатга олиниб, редакция ҳисобидан 100 сўм ёрдам пули ажратилган эди...

«ДАРД» ТУТИБ ҚОЛДИ...

Ҳафталик йиғин, газеталар шарҳи рисоладагидек давом этарди. Кутилмаганда масъул котиб Абдукарим ака тафтишчи мусаҳҳиҳ Шоҳайдар Мирҳабибовни саволга тутиб қолди.

— Хўш, ўтган сафар нима сабабдан ишга келмадингиз?

—... ҳа, энди...

Шунақа ўртоқлар. Энг масъулиятли нуқтада фаолият кўрсатаётган бу ходимнинг бепарволиги туфайли азият чекишга тўғри келди. Унинг важкарсонини қаранг, нима эмиш, энди ишга отланиб турганида бўғоз қўйининг «дарди» тутганмиш. Шу билан «доя»лик қилиб икки қўзичоқни жонига аро кирибди.

ГУМОН ЧАТОҚ-ДА...

Ўшанда, одатдагидек турли спорт хабарларини саҳифада кўриб, ўқиб, хотиржам уйга йўл олгандим. Ечинишга ҳам улгурмовдим, телефон жиринглади.

— Сизни сўрашяпти, — дейишди.

— Алло, — десам тафтишчи мусаҳҳиҳ Алижон Маъзумов. — Эшитаман, — дедим.

— Ҳайдархон, бу ёғи чатоқ-ку, тўплар нисбатида фарқ бор, — дедилар жиддий оҳангда.

— Ҳозир етиб бораман, — дедим. Келиб, рақамларни солиштирсам ҳаммаси тўғри экан.

— Ҳа энди, гумон чатоқ-да, яна ТТЗдан таксида келибсиз. Йўл ҳақи 3 сўм бўлса, буёғи... кулги кўтарилди.

■ **Мирзо АНВАР**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2001 ЙИЛ 27 ИЮЛЬ,10,24 АВГУСТ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Жар-Ариқ кўчаси, 2-уйда жойлашган 4 хонали уй-жой, **бошланғич нархи — 2 830 000 сўм.**

«Сирғали ТБК» акциядорлик жамиятининг қуйидаги автотранспорт воситалари:

— «МАЗ-5549» русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23-78 ТНМ, **бошланғич баҳоси — 360 336 сўм;**

— «МАЗ-5549» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-78 ТНМ, **бошланғич баҳоси — 360 336 сўм;**

— «МАЗ-5549» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-79 ТНМ, **бошланғич баҳоси — 360 336 сўм;**

— «МАЗ-5549» русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23-79 ТНМ, **бошланғич баҳоси — 360 336 сўм:**

— «ГАЗ-6611» русумли, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 33-85 ТНМ, **бошланғич баҳоси — 304 958 сўм:**

Шунингдек, шу корхонада ишлаб чиқарилган:

— автойўл балкалари 3 дона, **бошланғич нархи — 3 874 866 сўм;**

— тўғри бурчакли блоклар 7 дона, **бошланғич нархи — 1 215 325 сўм;**

пойдевор учун блоклар 18 дона, **бошланғич нархи — 1 730 120 сўм;**

— труба қувурлари таркибий қисмлари (ЭТТ) 144 дона, **бошланғич нархи — 18 521 534 сўм;**

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

САВДОЛАР 10.00 БОШЛАНАДИ

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани халқ таълими бўлими 72-мактаб-лицейи томонидан 2000 йил 16 июнда Нигора Эркиновна Жумаева номига берилган OR — B 070558 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти томонидан 2000 йилда хусусий тадбиркор Акбарали Холйигитович Нурқосимов номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги академик В. Вохидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази жамоаси марказнинг юрак жарроҳлиги бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Дарвин Содиқович ҒУЛОМОВнинг
тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«O'ZKOMMUNMASHTA'MINOT»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
жамият базаси омборидан Россияда ишлаб чиқарилган, чуқурликда ишлайдиган насосларни қўшимча қиймат солиғини қўшиб, қуйидаги нархларда

СОТАДИ:

ЭЦВ 6-10-80	297 000 сўм
ЭЦВ 6-10-100	297 000 сўм
ЭЦВ 8-40-60	517 000 сўм
ЭЦВ 8-40-90	539 000 сўм
ЭЦВ 10-63-110	726 000 сўм

Шу билан бирга буюртма асосида барча турдаги насослар етказиб берилади.

Телефонлар: 35-80-80, 34-10-80, 34-07-94, факс: 34-05-75.
Манзилимиз: 700035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.